

INDEKS 1072



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

*21-OKTABR – O'ZBEK TILIGA  
DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN*

# ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMTY-METODIK JURNALI



2020-10

**O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI OLİY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**10.2020**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2020**

**Расурова Зилола Дурдимуротовна (Бухоро Давлат университети  
Педагогика кафедраси таянч докторанти, e-mail: zdrasulova@mail.ru)**  
**ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШДА  
ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК  
АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада олий таълим муассасаси ўқув жараёнларида талабаларнинг билим, кўнишка ва малакаларини шакллантиришида инновацион технологияларнинг аҳамияти, мазмунин ёритилган. Модулли таълим технологияси мазмуни ҳамда уни ўқув жараёнларига татбиқ қилиши билан бирга, талабаларда мустақил, ижодий кўнишлар ҳосил қилиши йўллари методик жиҳатдан очиб берилган.

**Аннотация.** В статье раскрывается значение инновационных технологий в формировании знаний, умений и навыков у студентов в образовательном процессе высшего образования. Методологически раскрыто содержание модульной образовательной технологии и ее применение в учебном процессе, а также пути развития самостоятельных, творческих навыков у студентов.

**Annotation.** This article describes the importance of innovative technologies in the formation of knowledge, skills and abilities of students in the educational process of higher education. The content of modular educational technology and its application in the educational process, as well as ways to develop independent, creative skills in students are methodologically revealed.

**Калим сўзлар:** креативлик, креатив компетентлик, инновацион таълим, инновацион компетентлик, модулли таълим технологиялари.

**Ключевые слова:** креативность, творческая компетентность, инновационное обучение, инновационная компетентность, модульные технологии обучения.

**Key words:** creativity, creative competence, innovative learning, innovative competence, modular learning technologies.

**Кириш.** Олий таълим тизимини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, таълим тўғрисида бир қанча олиб борилиши зарур бўлган стратегик мақсадлар белгилаб берилган:

♦мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

♦олий таълим билан камров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилияtlарини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш.<sup>1</sup>

Таълим соҳасида белгиланган мақсадларга эришиш учун, яъни бугунги иктисолиётнинг эҳтиёжини қондирадиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий омили ўқитиш жараённинг сифати ҳисобланади. Таълим сифати жараён субъектлари ҳисобланган талабаларнинг интилувчанлик, ижодий салоҳиятига бевосита боғлиқдир. Шуни инобатга олиб, халқаро тажрибаларга асосланиб айтиш мумкинки, талабаларда билим олишга иштиёқ туғдириш учун, уларда, аввало, креатив компетентликни ривожлантиришdir. Ушбу масала ҳозирги кун таълимида жуда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу хусусда хориж олимлари, мамлакатимиз олимларининг олиб борган бир қанча илмий тадқиқот ишларини кузатишимиз мумкин. Кен Робинсоннинг тадқиқотларида, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал гоялар мажмуи” сифатида келтирилган. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”.

Эмебайл (1989)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга, юқори даражада ноодатий кўнишларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сонли фармони.

Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба түйгүсі ва әркінлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993; Штернберг, 1985). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002; Рудович, Хуи, 1997; Рудович, Йуе, 2000). Гарчи ғарблік ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарапашлари турлича бўлса-да, бироқ ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012). Патти Драпеау нұқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади.

Республикамиз олимлари О.Мусурмонова, Ш.Шарипов, Ш.Мардонов, С.Нишонова, Д.Рўзиева, Б.Ходжаев, Д.Шарипова, М.Қуронов, А.Нурмонов, С.Аннамуротова ва бошқалар томонидан ижодкор шахсни тарбиялашнинг умумпедагогик жиҳатлари тадқиқ этилган. Ўқувчи шахсининг креатив қобилиятларини шакллантиришнинг психологияк ва акмеологияк хусусиятлари Э.Фозиев, М.Давлетшин, Д.Муҳамедова, С.Сафоев каби олимлар томонидан ўрганилган.

**Асосий қисм.** Юқорида қайд этилган тадқиқотчи олимларнинг ишларини таҳлили шуни кўрсатадики, барча таълим олувчиларнинг креатив компетентлигини турли усуслар тажрибасидан ўтказиб, объектив баҳолангандан сўнг оммавий тарзда қўллаш учун тақдим этилади. Кенг оммалашган, ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган инновацион усуслардан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг креатив функцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Аввало, креативлик нима ўзи? Ушбу тушунчага изох бериб ўтсак.

**Креативлик** (ингл. “create” – яратиш, “creative” – “яратувчи”, “ижодкор”) – индивиднинг янги фояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

**Креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш.<sup>1</sup>

Шунингдек, талабаларнинг ижодий кўнималарини шакллантиришда инновацион таълим технологияларининг бугунги кундаги ўрни жуда мухимdir.

**Инновацион таълим** технологиялари – мажмуавий интеграл тизим бўлиб, унда таълим максадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар талабалар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўпламдир.<sup>2</sup> Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи инновацион таълим технологияларни кўллаш борасида катта тажрибалар тўпланган бўлиб, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усусларига кўшимча равишда янги ўқитиш шакли – модулли ўқитиш технологиясининг яратилишига омил бўлди.

**Модулли ўқитиш технологияси** – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейрофизиологияси, педагогик психологиянинг умумий назариясидан келиб чиқади.<sup>3</sup>

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табакалаш орқали ўқитишни табақалаш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуалаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитиш технологиясида талабанинг ўқув-билув фаолиятини юқори даражада ўзини-ўзи ташкил этиши ўқув мақсадларини мустақил қўйиш, фаолият усусларини танлаш кўникмаси, ўз ҳаракати ва муносабатларини бошқалар билан мослаштириш ва мувофиқлаштиришга асосланган.

Модул бир ёки бир неча модул бирликлар (ўқув элементлари)дан ташкил топиши мумкин. Модул бирлик – тугалланувчи меҳнат операцияси ёки ишнинг бирор-бир мантиқий якулланган қисмидир. Шу билан бирга, у модулнинг тез ва осон ўзгарувчи қисми ҳамdir. Айнан мана шу хусусият ўқув дастурий хужжатларни илмий-техник тараққиёт ва замонавий технологиясига мос равишида такомиллаштириб боришга имкон беради. Чунки модул бирлиги ўз хажмининг кичиклиги,

<sup>1</sup>Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества. Учеб. пособие, Киров, АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013, 16 с.

<sup>2</sup> Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун кўлланма, Т., «Истеъод», 2008, 180-бет.

<sup>3</sup> Авлиёқулов Н.Х. Қасбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. Т., «Янги аср авлоди», 2004, 106-бет.


матнинг қисқалиги, юқори даражада қўргазмалилиги ва уни таржима қилиш осонлиги билан характерланади.

Талабаларнинг инновацион фаолиятини яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият сифатида баҳолаш мумкин. Инновацион фаолиятга технологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига баҳшида қилиши, у томонидан яратилган техник воситалар уларнинг ижодий кўникмаларини шакллантиради.

**Инновацион компетентлик** – педагогик жарённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари сурис, уларни амалиётга муваффакиятли татбиқ этишдир. Бунда олий таълим технологик таълим йўналиши талабалари ва уларнинг ўкув жараёнларини мисолида кўришимиз мумкин. Технологик таълими йўналиши, маҳсус фанлардан “Технология фанини ўқитиш методикаси” фанини модул тизимига киритиш.

Фан ўқитувчиси ушбу фан юзасидан барча маълумотларни тизимга жойлаштиради.

1. Фан ҳакида тўлиқ назарий маълумотни қисқа ва лўнда асосий мазмунини киритади. Масалан, ўкув фанининг таълимдаги ўрни, мақсади, вазифалари ҳамда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тўғрисида.



1. Технология фанини ўқитиши методикаси фан дастурини тўлиқ юклайди.
2. Фанни ахборотлар билан таъминлаш, яъни асосий қўшимча адабиётлар (pdf) таълим му-



Bilim sohasi: 100 000 - Gumanitar

ассасасида ташкил қилинган ахборот-ресурсус марказининг сайтига жойлаштириради.

Масалан:

- Расурова З.Д. Т.Т.М.
- Word кўринишидагилар.

pdf 0.1. Sharipov Sh.S., Jalilov G. Mehnat taʼlimi ustaxonalari uchun DTSLariga muvofiq koʻrgaz-


mali qurollar ro‘yxati. Metodik qo‘llanma, Toshkent, Respublika ta‘lim markazi. 2002, 153 b.

Интернет ресурслари.

Масалан, БухДУ АРМнинг <http://elib.buxdu.uz/> сайти ҳаволаси, интернет сайтлари: <http://www.newideas.net/indeks.html>.

4. Мавзуда ишлатиладиган атамалар, қисқартмалар ва белгилар (doc). Фан бўйича умумий шакллантирилган глоссарий (Word файл).

5. Кириш қисмида 5–10 дақиқалик маъруза (фани мазмуни, мақсади ва эришиладиган натижага ҳақида тавсия этиш (1 та файл, mp4 форматда, 30–50 мбт).



Фаннинг мавзулари (папка) куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

Изоҳ: электрон ўқув курси модул принципига асосланганлиги сабабли, фанлар хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, дарс турлари (назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари) бўйича материаллар 1 та мавзу модулга жойлаштирилади.

6. Мавзунинг номи (doc); (1 та Word файл).

## **7. Мавзу бўйича саволлар тўплами (doc) (1 та Word файл).**

Nazorat uchun savollar.

1. O‘qitish shakllari deganda nimani tushunasiz?
2. Ta‘limning asosiy shakli dars haqidagi tushuncha bering.
3. Texnologiya darslarida amaliy mashg‘ulotlardagi o‘qitish shakllari qanday va afzalliliklari tomonlarini aytинг.
4. Texnologiya fanlarida ekskursiya darslari asosan qayerlarda o‘tkaziladi. Nima uchun?
5. Yakka holda o‘qitish bilan jamoaviy o‘qitishning qanday farqli jihatlari bor?

## **8. Мавзу бўйича глоссарий (ушбу маърузага киритилган атамалар рўйхати. терминлар.умумий глоссарида мавжуд бўлиши керак камидан 7–10 та сўз (doc).**

### MAVZU BO‘YICHA GLOSSARY

Dars - o‘quv ustaxonalarida reja asosida ma‘lum o‘quvchilar soni bilan olib boriladigan mashg‘ulotning asosiy shaklidir.

Yakka o‘qitish shakli - har bir o‘quvchi yoki ko‘pchilik o‘quvchilar uchun ma‘lum vaqt ichida bajariladigan individual vazifalar beriladi.

O‘qitishning aralash shakli - ayrim o‘qituvchilar praktikasida o‘quvchilarni ishlarini tashkil qilish.

## **9. Мавзуга оид асосий ва қўшимча адабиётлар (бетлари кўрсатилган холда (doc).**

### MAVZUGA OID ASOSIY VA QO‘SHIMCHA ADABIYOTLAR


1. Tolipov O‘.Q., Barakaev M., SHaripov SH.S. Kasbiy pedagogika. - Toshkent.: 2003. - 88 b.
2. Muslimov N.A. Bo‘lajak kasb ta‘limi o‘qituvchisini kasbiy shakllantirish. - T.: Fan. 2004. - 124 b.
3. Mavlonova R., Raxmonqulova N., Vohidova N. “Pedagogika nazariyasi va tarixi.” Darslik. -T.: Fan va texnologiyalar. 2010.
4. Muslimov N. ya b. Mehnat ta‘limi o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. -T.: 2009. - 427 b.

## **10. Интернет тармоғида электрон манбаларга ҳаволалар (матнлар, аудио ёки видеороликлар, электрон кутубхона ресурсларининг ГКД манзиллари); (Word файл).**

### INTERNET SAYTLARI

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.pedagog.uz>
3. <http://www.istedod.uz>
4. <http://www.tdpu.uz>

## **11. Талабалар мустақил ўрганиши учун назарий материал, масалан (маъруза тақди-моти) (doc, ppt,...).**



**12. Фан мавзусига оид аудиовизуал материаллар, моделлар, макетлар, намуналар, кейслар** (тавсия этилади) (doc, jpg, mp3, ...).



**Texnologiya fanini o'qitish metodikasi**

**Mavzu: Texnologiya fanini o'qitish shakllari**

- 13. Видео маъруза.** Бунда видеодаги файлнинг бир фрагментининг давомийлиги 5–20 дакижадан ошмаслиги тавсия этилади (1 та файл, mp4 форматда, 30–50 мбт).

**14. Талабаларнинг маъруза матнларида тақдим этилган ва мустақил равишда ўрганган назарий материалларини тушунишлари учун билимларни назорат қилувчи тест саволларини ишлаб чиқиши. Мавзу бўйича тест синовлари банкини шакллантиришда вариативтик (кўп танлов, ёзишмалар, қиска жавоб ва бошқалар)дан фойдаланиш.**

Бунда **iSpring** дастуридан фойдаланиш максадга мувофиқ. Факат Scorm 1.2 ёки файл проектининг (quiz) ўзи берилади. (**Сохранить как – тест АТ фани.quiz**).

Вопросы	Вопрос с одиночным выбором
1. Сопоставьте следующие страны Европы с их столицами: Сопоставление	Dars - bu
2. Dars - bu	
Верно/неверно	
3. Новый вопрос с несколькими вариантами ответов Одиночный выбор	
4. Новый вопрос "верно/неверно"	
Верно/неверно	
5. Dars - bu	
Одиночный выбор	
6. Dars - bu	
Одиночный выбор	

#### **Оралиқ ва яқуний назорат:**

**15. Оралиқ ва яқуний назорат тестлари** (1 та Word файл) Мазкур тестлар <http://qaydnoma.buxdu.uz> сайти орқали онлайн тест.

Didaktik jarayon nechta komponentdan iborat?

A) 3ta  
B) 4ta  
C) 5ta  
D) 2ta

"Texnologiya" so'zining izohiy lug'atdagi ma'nosi qaysi bandda to'g'ri ko'rsatilgan?

A) biror ishda, mahoratda, san'atda qo'llaniladigan usullar, yo'llar yig'indisi.  
B) texnikaga bog'liq masalalar  
C) ketma-ketlikda bajarilmaydigan operatsiyalar  
D) kasb -hunarni o'r ganuvchi fan

Bilim nima?

A) o'r ganilgan ma'lumotlarni eslab qolish va qayta tushuntirib berish;  
B) mavzuga oid nazariy ma'lumotlar, atama va tushunchalar;  
C) mavzuga oid DTS talablar;  
D) o'quv fani bo'yicha materiallarni utushntirib berish;

**16.** Агар назорат саволлари тест шаклида бўлмаса, у холда мустақил савол ва топшириқлар (Word файлда шакллантирилиб берилади.

Ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири сифатида **модулли таълим технологияларида асосий ўкув мақсадлари** қуидагича бўлади:

- ўқитишнинг ўкув фанлар орасида ва ўкув фанининг ичида узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўкув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шарт-шароитлар яратиш;
- таълим олувчининг ўзига мос суръатда ишлаши;
- уларга ўз имкониятларини аниқлашга йўл очиб бериш;
- таълим мазмунини ўзгарувчан тарзда куриш;
- унинг турли хил турлари ва шаклларини интеграциялаш;
- ўкувчиларнинг ижодий кўникмаларини шакллантириш;
- таълим олувчиларни юқори натижага эриштириш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб айтиш мумкинки, модулли ўқитиш технологиялари талабаларга кўпроқ креатив фикрлашни ўргатувчи тизимdir.

Креатив фикрлаш – бу инновацион (янги, новатор, оригинал, ностандарт, ноодатий ва ҳоказо...) ва самарали (амалий, натижавий, тежамли, оптимал ва ҳоказо) ечимларни топиш, янги билимларни эгаллаш, тасаввурни таъсирчан ифодалашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида самарали иштирок этиш қобилиятиdir.

Креатив тафаккурга эга талабалар:

- бошқа талабаларнинг хаёлига келмаган ғояларни билдиради;
- ўзларини ифода этишнинг ўзига хос услубини танлайди;
- ечими очиқ қолган вазифалардан завқланади;
- ғояларни аниқ далиллар асосида муҳокама қилишни афзал кўради;
- муаммонинг ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлайди.

**Хулюса** ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, инновацион технологиялар бўлажак ўқитувчи-

ларнинг ҳосил қилган касбий қўникма, малака ва тажрибаларини ташхислаш ҳамда уларни ташхислаш методлари билан қуроллантириш, касбий педагогик таълим жараёнини инновацион foялар асосида қайта қуриш талабаларнинг креатив фаолиятини самарали ривожлантириш имконини беради. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолият қўрсатиш, ташаббускорликка ундаш имконияти вужудга келади.

Олий таълим методик таъминоти тизимининг динамик ривожланувчи қисми бўлган ўқувдастурй хужжатларни блок-модули қоида асосида тузишга ўтиш мустақил Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларига жаҳон стандарти талабларига мос бўлган малакали ишчи кадрлар етказиб беришнинг асосини ташкил этади.

**To‘xtasinova Zilola Mukumovna (Qo‘qon DPI, e-mail: zilola.t@gmail.com)**  
**LOYIHA ISHI ORQALI TALABALARDA MUSTAQIL TA’LIM KO‘NIKMALARINI**  
**TAKOMILLASHTIRISH**

*Annotatsiya. Ushbu maqolada chet til darslarida loyiha ustida ishslash usulini qo‘llash orqali talabalarning mustaqil ta’lim ko‘nikmalarini takomillashtirish masalasi ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, loyihaning turlari, uning tarkibiy qismlari, afzallik tomonlari muhokam qilingan.*

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы улучшения навыков самостоятельного обучения учащихся посредством использования проектного подхода на уроках иностранного языка. Также в статье обсуждаются виды проекта, его составляющие и преимущества.

**Annotation.** This article discusses the problem of improving students' independent learning skills through the use of project-based approach in foreign language classes. The types of the project, its components and advantages of using the method were also discussed.

**Kalit so‘zlar:** loyiha, loyiha ishi, mustaqil ta’lim, kommunikativ yondashuv, motivatsiya, loyiha turlari, til ko‘nikmalar, fasilitator.

**Ключевые слова:** проект, проектная работа, самостоятельное обучение, коммуникативный подход, мотивация, типы проектов, языковые навыки, фасилитатор.

**Key words:** project, project work, independent learning, communicative approach, motivation, project types, language skills, facilitator.

Jamiyat rivojlanishining hozirgi bosqichida, ta’lim tizimi nafaqat talabalarga ma’lum bir bilimlarni berishga, balki ularning kognitiv va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga ham e’tibor qaratilmoqda. Yurtimizda chet til ta’limida xorijiy yetakchi ta’lim muassasalarining tajribalariga tayangan holda bir qator ijodiy o’zgarishlar, islohotlar amalga oshirilmoqda. Islohotlarning hozirgi sifat bosqichida ta’lim bosqichlari o’rtasidagi uzlusizlik va mavzulararo mazmuniy uzviylik ta’minlangan o‘quv dasturlari va metodik uslubiy qo‘llanmalar yaratilmoqda. Fanlarni o‘qitishda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash orqali ta’limning sifat samaradorligini oshirish alohida ahamiyat kasb etmoqda. Oliy o‘quv yurtlarida talablarining ijodiy fikr yurutishi, mavzu yuzasidan mustaqil ish olib borishini rag‘batlantirish maqsadida bir qator ta’lim usullari qo‘llanilmoqda va tajribadan o‘tkazilmoqda. Shu nuqtayi nazardan, o‘quvchilarning guruh bo‘lib hamkorlikdagi kommunikativ faoliyatga o‘rgatishda loyiha ustida ishslash (project-based learning) eng sa марали usul sifatida ommalashmoqda.

Loyiha – bu muayyan mavzu bo‘yicha kengaytirilgan izlanish bo‘lib, uni tashkil etish, boshqarish va taqdim etish, asosan, o‘quvchilar tomonidan mustaqil bajariladi. Bunda o‘qituvchi faqat bilim beruvchi va baholovchi sifatida emas, balki fasilitator (inglizcha “facilitate” so‘zidan olingan bo‘lib, biror-bir jarayonning borishiga yaxshi ta’sir etuvchi va unga mos shart-sharoitlar yaratib beruvchi) sifatida ham namoyon bo‘ladi. Adabiyotlarda loyiha ustida ishslash chet tilini o‘qitishning eng samarali usullaridan biri sifatida tavsiflanadi. Ushbu usulning turli shakllari uni o‘quv jarayonining barcha sohalarida qo‘llashga imkon beradi. Qiziqarli mavzularga qaratilgani va o‘quvchilarning mustaqil izlanish ko‘nikmalarini rivojlantirishga imkon berishi bu metodning o‘ziga xos jihatlaridan biridir. Loyiha ishining asosiy g‘oyasi tala-balarni ilmiy tadqiqot faoliyat orqali o‘qitishga va ularning qiziqistil o‘rganishga bo‘lgan qiziqishlarini uyq‘otishga yo‘nalganligidir.

Ushbu sohada M.Legutke, X.Tomas, S.Xayns, S.Brumfit va boshqa taniqli olimlar va metodistlar tomonidan tadqiqotlar olib borilgan. Legutke va Tomas o‘zlarining “Til o‘qitish jarayoni va tajribalar” ki-

## MUNDARIJA

### 21-OKTABR – O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

---

Primov Azamat. Davlat tili – millat va davlat tayanchi.....	3
---	---

## MATEMATIKA

Matyoqubov Ollabergan, Rozzaqov Temurbek. Koeffitsiyentlari kompleks qiymatli bo'lgan dirak operatorlarining bitta sinfi uchun xill diskriminanti.....	6
Даужанов Аиназар Шынназарович. Методические изложения элементов теории обобщенных функций.....	11

## FALSAFA

Курбанов Джамшид Джураевич. Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросининг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фалсафий қарашлари.....	26
Мамаюсов Умид Курбонович. Хозирги давр фани ва замонавий фалсафа тараққиётида илмий башорат муаммоси.....	30
Султанова Гулноза Сабировна. Креативлик, ижодиёт ва норационаллик.....	32
Эргашев Улугбек Адхамович, Умурзаков Ахмаджон Махамадович. Динларо бағрикенглик тоясининг ҳуқуқий-ахлоқий асослари.....	35
Негматова Шахзода Шухратовна, Исхакова Шахло Исломовна. Ўзбекистонда диний туризмининг ҳуқуқий асослари.....	37
Қаҳхорова Матлиоба Маноғовна, Юлдашев Серобjon Үрмоналиевич. Ижтимоий-маданий технологиялар ва маънавий ҳаёт уйғулуги.....	40
Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович. Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва руబойларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили.....	44
Juraeva Nigora Avazovna. Geographical and Technical Patterns as Ontological and Epistemological Patterns of the Development of the Paradigm of Civilizations.....	47

## TILSHUNOSLIK

Қосимова Мадина Зайнобиддиновна. XXI аср тилшунослигининг ютуқлари ва замонавий тилшуносликда фрейм ва гешталт масаласи.....	51
Tursunaliyeva Muslimabonu Abduvosit qizi. "Kitobu Bulgat al-Mushtak fi lugat at-turk va-l-qifchaq" asarining manbashunoslik tadqiqi.....	54
Ahmedova Hikmatxon. Сўз морфем таркибининг шакл ва маъно номутаносиблигига муносабати масаласига доир.....	56
Шаропова Раъно. Терминологик изоҳли луғатда терминни изоҳлаш масаласи.....	59
Kurbanova Ozoda. Lexico-semantic Features of Uzbek-English Anthroponyms.....	62

## ADABIYOTSHUNOSLIK

Икромхонова Феруза. Тарихий асос ва жанрий муаммо.....	65
Жабборов Эшназар. Миллий уйғониш тафаккур инқилоби ва жадидчиликнинг маърифат қарашлари.....	70
Ражабова Раъно Зариповна. Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси.....	74
Rahimova Bekposhsha. Bugungi adabiy jarayonda xorazmlik yosh shoirlarning o'tni.....	79

## PEDAGOGIKA

Рашидов Анваржон Шарипович. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор тажрибалар.....	83
Қамбаров Мухридин Зухридинович. Техника олий таълим муассасаларида "олий математика"дан дарс машгулотлари ташкил этилишининг бугунги ҳолати.....	86
Исмаилова Шамсия Курултаевна, Бекпулатова Шахло Шодиковна, Чупанова Кувончой. Замонавий мактаб бошқарувида ижтимоий тадқиқотлардан фойдаланиш.....	92

<b>Ходжаниязов Сардор Умарович, Абдуллаева Наргиза Ботировна.</b> Талабалар эстетик маданиятини туризм воситалари орқали ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари.....	95
<b>Ходжамкулов Умид Нигматович, Абдиримова Интизор Камиловна.</b> Жамоавий лойиҳалар – ўқитишининг самарали усулларидан бири.....	98
<b>Расурова Зилола Дурдимуротовна.</b> Талабаларнинг креатив компетентлигини шакллантиришда инновацион педагогик технологияларнинг илмий-методик аҳамияти.....	102
<b>To‘xtasinova Zilola Mukumovna.</b> Loyiha ishi orqali talabalarda mustaqil ta’lim ko‘nikmalarini takomillashtirish.....	109
<b>Максудова Гулноз Олимовна.</b> Инглиз тилини ўқитишининг инновацион технологиялари: анъанавийлик ва ноанъанавийлик.....	111
<b>Куттибекова Гулжан Тулепбаевна.</b> Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш муаммоласи.....	114
<b>Ismoilov Bobur Toxirovich.</b> Matematik hisoblashlarni suv yordamida tasavvur etish.....	117
<b>Mahmudova Surayyo Azizovna.</b> The Importance of Assessment in Teaching Foreign Languages.....	121
<b>Daukaeva Khalida.</b> Peculiarities of Teaching English for Specific Purposes to Students of Tourism University.....	123
<b>Khalilova Lenie Fevzievna.</b> Efficient Use of Modern Technologies in Improving the Quality of Foreign Language Teaching.....	126
<b>Yakubova Madina Kutfidinovna.</b> Teaching Writing as the Method of Development of Individual Creative Thinking.....	129

## INFORMATIKA

<b>Раззаков Бахтияр, Рахимов Рахимжон, Жуманиёзов Сардор, Худайберганов Темур.</b> «Шарикли подшипник»ни Siemens NX 10 дастурида лойиҳалаш услуби.....	132
<b>Худайберганов Темур.</b> Исследование 3D редакторов для изучения студентами вузов.....	136

## ILMIY AXBOROT

<b>Norova Gulسانам Maqsutovna.</b> Заражон воҳаси ўзбек шеваларида диалектал кўп маъноли сўзлар.....	139
<b>Turniyazov Behzod Nigmatovich.</b> Epistemik darajadagi kauzal munosabatlar.....	141
<b>Нормаматов Султонбек.</b> Элбекнинг этимологик кузатишлари.....	147
<b>Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich.</b> Evfemizmlardan unumli foydalanishning ahamiyatlari.....	150
<b>Турсунов Акмалжон Ҳамиджонович, Абдурахманова Дилрабо Қодиржоновна.</b> “Бобурнома”нинг В.Штаммлер тажимаси хусусида.....	153
<b>Джабборова Матлуба Рустамовна.</b> Саолибийда Жамшид сиймоси.....	156
<b>Тангиров Низом Абдурахмонович.</b> Ноосфера концепциясининг илмий-назарий муаммолари.....	158
<b>Рахимова Гулсанам Аширбековна.</b> Шеърий асарлар таржимасида болалар рухиятини қайта яратиш масаласига доир.....	161
<b>Давлетов Икром Юсупович, Сапаев Умидбек Абдуллаевич.</b> Олий таълим муассасаларида инновацион илмий мухитни шакллантириш.....	168
<b>Исақова Зилолаҳон Зокировна.</b> Баҳо категориясида даражаланиш.....	171
<b>Назарова Гулбаҳор Пирмановна.</b> Британия фольклорида Эльф образининг генезиси ва бадиий талқини хусусида.....	174
<b>Nishonova Shaxnoza Muhammadjonovna, Ismoilova Hilola Inomovna.</b> Madaniy tafovutlarning transmada-niy madaniyatlararo aloqaga ta’siri.....	178
<b>Alijanov Oybek G‘anijanovich.</b> Basketbolchilarining ruhiy tayyorgarlik asoslari.....	180
<b>Болтабоев Ҳамидулло Ҳабибуллаевич.</b> Болаларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришда жисмоний машқларнинг асосий хусусиятлари.....	183
<b>Мирбобоева Дилфузा Бахтиёровна.</b> Морфолого-сintаксические особенности речевых клише французского языка.....	187
<b>Бакиров Поян Уралович.</b> Книга в пословицах разных народов мира.....	190
<b>Гаппарова Диора Азимбаевна.</b> Особенности перевода медицинской терминологии (на латинском, немецком и узбекском языках).....	194
<b>Tuynoeva Gulnoza Kuvondik kyzы.</b> Expression of Aesthetic Views in the Translation of Gazelles of Alisher Navoi.....	196

# **“ILM SARCHASHMALARI”**

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**

Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**

Musahhihlar: **Tamara Turumova,**

**Aybek Kalandarov**

Ushbu songa mas’ul **Qurolboy Navruzov**

Terishga berildi: 20.10.2020

Bosishga ruxsat etildi: 31.10.2020.

Offset qog‘oz. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.

Rizograf bosma usuli. Tayms garniturası.

Adadi 150. Buyurtma №. 46

Hisob-nashriyot tabag‘i 25

Shartli bosma tabag‘i 23

UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon/faks: (0362)-224-66-01;

e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)

[ilmsarchashmalari@mail.ru](mailto:ilmsarchashmalari@mail.ru)

Veb-sayt: [www.ilmsarchashmalari.uz](http://www.ilmsarchashmalari.uz)

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>